

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АҲАМИЯТИ

Сурובה Райҳона Зокиржоновна

Наманган давлат университети

Сиёсий институтлар, жараёнлар ва

технологиялар ихтисослиги таянч докторанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7186021>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда сайлов тизими ва демократик сайловларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини ўрни, халқаро ташкилотларни сайлов тизимига қисқача муносибатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Конституция, демократия, ҳуқуқий норма, қонун, фуқоролик жамияти, сайлов тизими, жамоатчилик назорати.

Annotation: This article describes the electoral system in Uzbekistan and the role of public control in the implementation of democratic elections.

Keywords: Constitution, democracy, legal norm, law, civil society, electoral system, public control.

Аннотация: В данной статье описывается избирательная система Узбекистана и роль общественного контроля в проведении демократических выборов.

Ключевые слова: Конституция, демократия, правовая норма, право, гражданское общество, избирательная система, общественный контроль.

Сайловлар замонавий демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини билдириши ҳамда сиёсий жараёнларда, жамият ва давлат ишларини бошқариш, шу жумладан, ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Эркин сайловлар нафақат ҳокимиятни шакллантириш тамойили, айти пайтда унинг халқ олдидаги масъулияти ифодаси ҳамдир. Бугунги кунда хорижий мамлакатларда сайлов органларини шакллантиришнинг турли амалиёти мавжуд. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан тайёрланган ЕХХТ иштирокчи-давлатлари сайлов қонунчилиги ва амалиёти шарҳида баён қилинишича, сайлов органларини шакллантириш мазкур органларнинг аъзоларини тайинлаш ёки сайлаш усуллари билан боғлиқдир.

Бизга маълумки, сайлов органлари таркибини шакллантириш бўйича ягона халқаро стандарт ёки мажбурият мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов органларини шакллантириш усули самарадорлиги ҳамда ишончилигини

иштирокчида ватларда сайловни ўтказиш амалиёти ва сиёсий вазиятдан келиб чиқиб баҳолайди. Бунда сайлов комиссияларининг асосий мақсади мамлакатда демократик сайловларни ўтказиш эканлигини унутмаслик лозим.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини тўлиқ таъминлайдиган мустақил сайлов комиссиялари тизими яратилган, сайловга юқори демократик даражада тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунлар Мустақиллик йилларида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов қонунчилиги яратилди. Соҳага оид 10 га яқин қонунларда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш сингари асосий принциплар, демократик сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиб-таомили белгиланган.

Мустақил ҳамда холис сайлов комиссияларини шакллантириш халқаро сайлов ҳуқуқининг энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Зеро, шундагина ҳаққоний ва адолатли сайловлар ўтказиш мумкин бўлади. 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларда сайлов комиссияларига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган. Хусусан, уларга кўра, шаффофлик, холислик ва мустақиллик сайлов кампанияси бошланишидан овоз бериш натижалари эълон қилингунига қадар бўлган сайлов жараёнини зарур даражада бошқариш имконини яратади.

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловлар ўтказилиши арафасида. Сайловлар мамлакатда амалга ошириладиган демократик ислоҳотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайтдаги жиддий демократик ўзгаришлар, очиқ, ошкора, шаффоф ўтказиладиган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга

бўлиб бормоқда. Дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқотни йўлга қўйиш сифат жиҳатдан янги бир босқичга кўтарилди.

Мамлакатимизда кейинги уч йил давомида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Президент сайлови, маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар жараёни демократик ўзгаришларга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 20 октябрдан – 20 ноябрга қадар “Сайлов қонунчилиги тарғиботини ўтказиш ҳақида”ги қарори мамлакатимизда сайлов жараёнларини ташкил этиш ва унда жамоатчилик назоратини кучайтириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “сайловлар халқимизнинг онгу тафаккури, сиёсий билими ва маданияти ўсиб, жамиятимизда демократик тамойиллар илдам қадамлар билан чуқур қарор топиб бораётганини яққол намоён этди. Ушбу сайловлар халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.”[1] 2021 йилги 24 октябрда бўлиб ўтган Президент сайловини кузатиш учун жами 971 нафар халқаро кузатувчи, жумладан, йигирмага яқин нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси ва Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалардан жами 631 нафар, дунёнинг 50 га яқин давлатидан 340 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Бу эса, Ўзбекистондаги бу йилги сайловларга халқаро ташкилотларнинг қизиқиши катта бўлганини ҳам англатади.[2]

Сайлов кучли рақобат шароитида ўтганини сиёсий партияларнинг президентликка номзодлари вакиллари иштирокида қизғин, муросасиз дебатлар ўтказилганида ҳам кўриш мумкин. Бу баҳс-мунозаралар жамиятдаги долзарб масалалар муҳокамаси ва сиёсий партияларнинг ёндашувларидаги хилма-хиллиги билан ўзига хос тарзда ўтди. Асосийси, номзодлар вакиллари мамлакат тараққиёти учун муҳим бўлган мавзуларда ўз позицияларини очиқ намоён этишди. Бу ҳам сайловолди сиёсий рақобат муҳитини ифодаловчи муҳим омиллардан биридир.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистоннинг нафақат мустақил давлат сифатидаги моҳияти, балки унинг демократик мазмуни ва бошқарув шакли ҳам аниқ белгилаб берилган.

Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон – суверен демократик республика” деган муҳим конституциявий қоида мустаҳкамланган. Ушбу моддадаги “демократик” ва “республика” иборалари давлатимизнинг ҳам моҳиятини, ҳам бошқарув тартиби (шаклини) баҳолашга хизмат қилади.[3]

“Демократия” латинча “Demos” (халқ) “kratos” (бошқарув) сўз бирикмаларидан таркиб топган категория бўлиб, “халқ ҳокимияти” ёки халқ томонидан бошқариладиган давлат маъносини англатади. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаи ва субъекти ҳисобланади.

Ҳокимият ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият миқёсида бошқарувни амалга ошириш воситаси сифатида майдонга чиқади. Давлат пайдо бўлиши билан, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви шаклланди. Ҳокимиятнинг халқчиллиги, яъни уни амалга оширишда халқ (унинг вакиллари)нинг иштирок этиши бошқарувнинг демократик мазмунда эканлигини билдиради.

Албатта, давлат ҳокимияти қанчалик демократик бўлмасин, бутун мамлакат аҳолиси, халқ билан тўлиқ қамраб олинмайди. Давлат ҳокимияти алоҳида аппарат томонидан амалга оширилади. Уни шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилишда халқ (унинг вакиллари) иштирокининг ҳолатига қараб давлатнинг демократиклигига баҳо берилади.

Давлатнинг бошқарув шакли – муайян давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этиш усуллариининг мажмуи; олий ҳокимиятни, унинг марказий ва маҳаллий органларини, таркибини, ваколатларини, бу органларни ташкил этиш тартибини, шунингдек, унда оддий халқ иштироки даражасини, бу органлар ваколати муддатларини назарда тутди.[4]

Ўзбекистонда давлат бошқарувининг республика шакли жорий этилган. Республика (латинча “Respublika” сўздан олиниб, жамоа иши, халқ иши деган маънони англатади) – давлат ҳокимияти аҳоли томонидан муайян муддатга сайлаб қўйиладиган органлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув шаклидир. Республиканинг парламентлик ва президентлик республика шакллари мавжуд. (Баъзида аралаш республика шакли ҳам учрайди).[5]

Республиканинг давлат бошқарув шакли сифатидаги белгиси – унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сайлаб қўйилиши,

уларнинг қонунда кўрсатилган маълум муддатдан сўнг алмаштириб турилишидир. Жаҳон давлатчилик амалиётида “республика” сайлаб қўйиладиган органлардан иборат давлат шакли бўлганлиги учун уни демократик деб ҳисоблаш қабул қилинган. Аммо, дунёдаги ҳамма республикалар ҳам демократиянинг ижобий ифодаси бўлавермаслигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизни республика деб эълон қилиш билан бирга, давлат органлари ташкил этилиши ва фаолият юритишининг демократик механизмлари ва институтларини мустаҳкамлаб қўйган. Булар референдум институти, сайлов институти, жамоат назорати институти, парламент назорати институти ва бошқалар. Конституция давлатнинг республика шаклини ўрнатар экан, аввало, унинг қўйидаги белгиларини мустаҳкамлайди:

биринчидан, давлат ҳокимиятини ҳаддан зиёд муддат якка тартибда эгаллаб туришдан холи бўлиш;

иккинчидан, мустабид тузумга олиб борувчи идеал мақсадлардан тийилиш, аксинча, оқиллик ва ижобий тажрибага асосланиш;

учинчидан, давлат бошқарувини амалга оширадиган идораларни тузишда фуқаролик жамияти ва шахс манфаатларидан келиб чиқиш;

тўртинчидан, давлат ҳокимият идораларини сайлов асосида ва қатъий белгиланган муддатга тузиш.

Республика шаклидаги давлат бошқарувига демократия мос келади. Демократияни қарор топтириш учун эса республика шакли айти мумкин. Аслида демократиянинг ўзи давлат шакли саналади. Шу боис демократия республика шаклидаги давлатнинг мазмун-моҳиятини янада тўлдирди.[6]

Демократик республика шаклининг Ўзбекистондаги ёрқин мисолларидан яна бири – парламентнинг сайлов асосида ташкил этилиши ва кўппартиявийлик асосида фаолият юритишидир. Масалан, Конституциянинг 76-77-моддаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палата – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлиб, қўйи палата қонунга мувофиқ сайланадиган 150 депутатдан иборат, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенатнинг юз нафар аъзосидан иборат.[7]

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, яъни вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида республиканинг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билладиган, бевосита

сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган фуқароси сайланиши мумкин. У республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Ҳуқуқий давлатда конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, коррупция деган ёвуз балога қарши самарали кураш олиб боришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликка эришиш лозим.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашдаги энг самарали механизм эса, бу жамоатчилик назоратидир.

Дарҳақиқат сайловларни демократия кўзгуси деб бежизга айтилмайди. Зеро, мамлакатда ўтказиладиган сайловлар қанчалик очиқ ва ошкора, сайлов субъектлари учун яратилган тенг шароитларда, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда ташкил этилса ва ўтказилса, сайлов натижасида шакллантирилган давлат ҳокимиятининг олий органи ҳам маҳаллий вакиллик органлари ҳам халқ иродаси эркин ифодаланиши таъминланган шароитда шаклланган бўлади. Бундай шаффоф тарзда шаклланган ҳар қандай давлат органи, энг аввало ушбу мамлакат аҳолиси манфаати йўлида садоқат билан хизмат қилади. Нега деганда, вакиллик органининг депутати унинг келгуси фаолияти айнан сайловчи, аҳоли назоратида эканлигини, кечаги сайлов жараёнида айнан сайловчи, халқ унинг номзодини шу лавозимга муносиб деб топганлигини ва сайлаганлигини англаб етади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқидан., 2020 йил 21 январь., “president.uz” сайти., Нутқлар бўлими.
- 2.Президентлик сайлови тенглик, шаффофлик ва ошкоралик, кучли рақобат руҳида бўлиб ўтди. <https://uzlidep.uz/news-of-party/10575>
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., “Ўзбекистон” 2020 йил 1 модда.
- 4.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси – Т., 2007. – 224 б.
- 5.Парламентар ва президентлик республика шакллари изоҳли хусусида батафсилроқ қаранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007. – 230-235 бетлар.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи // проф. Х. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – 131 б.

7.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., “Ўзбекистон” 2020 й. -
76-77 моддалари.